

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>А.Йўлдашев</b> Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба .....	91
--	----

---

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>Ф.Орипжонова</b> А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув .....	95
<b>З.Қобилова, Э. Қобилова</b> Татабуда шакл ва мазмун .....	98
<b>З.Ж.Пардаева</b> Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романи метафорикасида бадиий тафаккур фалсафаси талқини .....	101
<b>В.Аҳмедова</b> Тарихий драмада Амир Темур образи .....	105
<b>А.К.Абдурахмонов</b> Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир .....	109
<b>Г.Муҳаммаджонова</b> Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи .....	112
<b>О.Солиева</b> Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм) .....	117

---

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Н.Муродова</b> Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари .....	122
<b>Н.Чиниқулов</b> Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари .....	127
<b>М.Мамажонов</b> Антропонимлар дискурс релеванти сифатида .....	130
<b>Н.Т.Махмудова</b> Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати .....	133

---

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Р.Х.Максудов</b> Элнинг ардоқли шоири .....	137
<b>А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев</b> Асқар Қосимов шеърининг маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида .....	139
<b>А.Турдиев</b> Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм .....	141
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b> Ўзбек ва қирғиз фразеологизмларининг семантик таҳлили .....	145
<b>С.Усмонова</b> Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари .....	148
<b>Ж.М.Отажанов</b> Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари .....	152
<b>О.Хасанова</b> Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари .....	156
<b>Д.Қамбарова</b> Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари .....	160

---

ҚОНУН ВА ИЖРО

<b>А.Ўринов</b> “Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида .....	163
--	-----

**АЙРИМ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИДА ЎЗ ВА ЎЗЛАШГАН ҚАТЛАМ  
МУНОСАБАТИ  
ВЗАИМОСВЯЗЬ ЛИЧНОСТИ И СЛОИСТОГО СЛОЯ В НЕКОТОРЫХ  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕРМИНАХ  
RELATIONSHIP OF THE SELF AND THE STRATIFIED LAYER IN SOME  
TELECOMMUNICATIONS TERMS**

**Н.Т.Махмудова**

Аннотация

Мақолада ўзбек тилидаги телекоммуникация терминлари, хусусан, уларнинг ўз ва ўзлашган қатламга мансублиги масалалари ёритилган.

Аннотация

Статья посвящена телекоммуникационным терминам в узбекском языке, исконно узбекским и заимствованным словам.

Annotation

The article was written about telecommunication terms in Uzbek language, which were formed with native words and loanwords.

**Таянч сўз ва иборалар:** терминлар, телекоммуникация терминлари, ўз қатлам, ўзлашлаган қатлам.

**Ключевые слова и выражения:** термины, телекоммуникационные термины, исконный слой, заимствованные слова.

**Key words and word expressions:** terms, telecommunication terms, native words, loanwords.

Ҳозирги кунда ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш, соҳанинг айрим масалаларини амалий ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ўзбек тилида мавжуд турли соҳа терминларини, уларнинг умумистеъмолдаги лексика билан ўзаро муносабати масаласини илмий-назарий асосда ўрганиш ва илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳам шундай тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Тилдаги янги терминларнинг ўз ёки ўзлашган қатлам ҳисобига бойиши ҳамда уларнинг қўлланилиши бўйича назарий асос бўлувчи омилларни таҳлил этиш тилимиз лексик сатҳида катта аҳамиятга эга. Ўзбек тилшунослигида термин тушунчасининг ўзига хос жиҳатлари кўп тилшунослар томонидан тадқиқ этилган. Ҳозирга қадар амалга оширилган ишларда термин тушунчасининг турли изоҳлари бор. Терминологик тизимнинг лингвистик хусусиятларини тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигида ривожланган йўналишлардан ҳисобланади. Шу вақтга қадар кўплаб соҳаларга доир терминлар тадқиқот объекти сифатида ўрганилган бўлиб, уларда, асосан,

терминларнинг лексик-семантик, деривацион хусусиятларига эътибор қаратилган, ўзбек тилига ўзлашган терминларнинг лингвистик ва экстралингвистик жиҳатлари таҳлилга тортилиб, мазкур бирликларни унификация қилиш муаммолари бўйича тавсиялар берилган. [1] Шу билан бирга, айтиш лозимки, ўзбек терминшунослигида тадқиқ этилиши лозим бўлган бир қатор соҳалар терминлари ҳам мавжуд. Улардан бири телекоммуникация терминларидир.

Телекоммуникация тармоқларининг тадрижий ривожланишини мамлакатимизда алоқа тармоқларини рақамлашган тизимга ўтказиш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қўламли лойиҳалар билан чамбарчас боғлаш мумкин. Маълумотлар олиш ва тарқатишнинг рақамли базаси асосига телекоммуникация тизимини яратиш ва такомиллаштириш, телекоммуникациялар ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш, давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш, электрон тижоратни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш,

Н.Т.Махмудова - ҚДПИ докторанти

рақамли коммуникация технологияларини, ягона илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини юргизиш, барқарор ва самарали телекоммуникация секторини яратиш, иқтисодийнинг барча жабҳаларига ушбу технологияларни жорий қилиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Маълумки, телекоммуникация ахборот технологиясининг асосий соҳалари бўлган ахборот хавфсизлиги, радио, мобиль алоқа, телевидениэ қаторидан жой олади. Телекоммуникация бу – “Ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни”дир. [2,24] Ахборот-коммуникация технологияларининг лингвистик хусусиятлари билан шуғулланган Д.Қодирбекова бу борадаги вазифалар хусусида қуйидагиларни таъкидлайди: “Жаҳонда замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари тармоқларида АТ терминлари тизимининг ривожланиши, катта миқдордаги терминларни шакллантириш билан бирга, лексикографик тамойилларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: терминларининг мавзуй гуруҳлари даражасидан келиб чиқиб, лексик-семантик хусусиятларини ёритиб бериш; терминларининг структуравий хусусиятларини, ясаилишининг сермахсул усуллари ва структуравий моделларини аниқлаш; терминларининг синонимик ва антонимик муносабатларини типологик ёндашувлар асосида аниқлаш ҳамда тиллараро ўхшашлик ва фарқли хусусиятларини очиб бериш; терминларнинг таржимада берилиш хусусиятларини аниқлаш; соҳа терминларини уйғунлаштириш усули, терминологик

луғатларни тузиш тамойиллари ва босқичларини такомиллаштириш”. [2,5]

Телекоммуникация терминлари ўзбек тилшунослигида махсус монографик тадқиқот объекти бўлмаган. Унга Д.Қодирбекованинг қиёсий-типологик аспектдаги тадқиқотида қисман муносабат билдирилган. [2] Д.Қодирбекова ўз тадқиқотида ахборот-коммуникация терминларининг лексик-семантик, деривацион, лексикографик хусусиятларини инглиз тили билан қиёсий аспектда ўрганиб, телекоммуникация терминлари ҳақида қисман тўхталиб ўтган. [2]

Шунга қарамасдан ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган шиддат билан ривожланаётган мазкур соҳа терминларини тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослигида етарли даражада ўрганилган деб бўлмайди. Буни айрим мисоллар ёрдамида кўришимиз мумкин. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган қуйидаги луғат мақолаларни олайлик.

**БАЙТ I** [а. — уй, хона; бўлма] 1 ад. Шарқ шеърлятида аруз вазнида ёзилган ғазал, қасида, маснавий каби асарларнинг бир бутун икки мисраси, банди. Ғоявий-бадий томондан бир бутунликни ташкил қилган икки мисра шеър байт саналади. «УзМЕ». Адабиётимизда рубоий каби тўрт йўл, байт каби икки йўлдан иборат шеърлий шаклларнинг пайдо бўлиши ҳам бежиз эмасдир. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Агар мазкур шеър бамисли бир куш бўлса, бу байт унинг тожи-ку, мавлоно! С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Умуман, ҳар қандай шеър, шеърлий парча. Нечоғ бахтиёрман таъзимда шу тоб Сизнинг шаънингизга битмоқдаман байт. А. Орипов. Мунча ширин байтингиз, омон бориб қайтингиз, Ғолиб, барно йигитга биздан салом айтингиз. Т. Тўла.

3 Кўчма Ёқимли овоз, оҳанг. Ёмғиржон, бир кўшиқ айтки, томларни тарақлат. Япроқларни ювиб қайт, йўлкаларда байт тарат. Отаёр, Оқ фасл. 4 махс. Ўзбек халқ

## ТИЛШУНОСЛИК

амалий санъати (бадий мискарлик, кулолчилик, рихтагарлик)да қўлланадиган нақш ва безак турларидан бири. Байт буюмга ўзига хос нафосат, бадийлик бахш этади. «ЎЗМЕ».

**БАЙТ** II эск. қт. Истиқомат қилиш, яшаш учун қурилган уй, хона; манзил. Байти вайрона — хароба, вайрона бўлган уй. Байти маъмур — ободон уй. шш ..уйни араб байт дер. А. Навоий, Мезонул-авзон.

**БАЗА** [юн. ва\_1\_ — асос, негиз] 1 архит. Устуннинг, колоннанинг асоси, пастки йўғон таянч қисми. 2 Халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий соҳаларнинг асоси, негизи, таянчи: Моддий-техника базаси. Экспериментал база. Иқтисодий база. шшш Моддий-техника базамиз маълум даражада янгиланади ва сифати яхшиланади. Газетадан. Мактаблар ва ўқув юртларининг моддий базаси анча мустаҳкамланди. Газетадан. ..адабий тилимиз илгариги китобийликдан қутулиб, жонли халқ тили базасига ўтди. «ЎТА». 3 Муайян моддий нарсалар тўплами, мажмуи; захираси. Озуқа базаси. Ем-ҳашак базаси. ҳомашё базаси. Мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтирмай туриб, чорвачиликни ривожлантириш ҳақида ўйлаб ҳам бўлмайди. Газетадан. 4 Муайян хизматлар кўрсатиш ва керакли жиҳозлар билан таъмин этиб туриш мақсадида барпо қилинган махсус жой, макон. Туристлар базаси. Авиация базаси. Ҳарбий-денгиз базаси. Спорт базаси. шшш Ўқувчилар.. туристик базаларда дам олишни бошлаб юбордилар. Газетадан. Пойтахтимиз ва Республиканинг бир қатор шаҳарларидаги йирик спорт базалари Спартакиада ихтиёрида бўлади. Газетадан. Болалар майдончалари, спорт комплекси, спорт-байдарка базаси қурилди. Газетадан. 5 Моддий захиралар сақланадиган бино, иншоот; омбор. Таъминот базаси. Савдо базаси. Жуман ака чойнак-пиёла олгани станцияга тушса, базага бир вагон мол келиб, омбор мудури юк тушириш билан банд экан. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БИТ** Одам ёки ҳайвон танасида улар қонини сўриб яшовчи паразит ҳашарот. Билмаганга бит ўлдириш ҳам қийин. Мақол. Боланинг эркаси — битнинг циркаси. Мақол. шш Битнинг бир жуфт оддий кўзи бор, кўпчилигида кўз ривожланмаган. «ЎЗМЕ».

Юқоридаги бит, байт, мегабайт каби ўлчов бирликлари маъноси луғат мақолага киритилмаган. Ваҳоланки, ўлчов бирлиги мазмуни юқоридаги сўзлар билан ўзаро омонимлик ҳосил қилиши мумкин. Ахборот-коммуникация соҳаси бўйича бугунги кунга қадар яратилган илмий адабиётларда ва терминологик луғатларда умумистеъмол сўзлардан ясалган терминлар алоҳида ўрин тутди. Уларнинг семантик хусусиятларини контекст ёрдамида ўрганиш умумистеъмол сўздан фарқли жиҳатларини англаб олиш имкониятини беради.

Биз қуйида бошқа тиллардан ўзбек тилига ўзлашган айрим телекоммуникация терминларининг манбалари ва маънолари ҳақида сўз юритамиз.

**Трансляция** термини ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган бўлиб, мазкур соҳада фаол қўлланувчи сўзлардан биридир. Бу сўз лотинча транслатион – узатиш, эшиттириш, кўрсатиш маъноларини билдирувчи сўздан олинган бўлиб, мусиқа, тасвир, нутқ ва шу кабиларни радио, телевидения, симли алоқа воситалари орқаси муайян масофага узатиш, эшиттириш, кўрсатишни билдиради. [3,167]

Телекоммуникация терминлари қаторида трансляцион сўзи ҳам мавжуд бўлиб, “трансляцияга оид, трансляция учун хизмат қиладиган” деган маънони билдиради. Шунини айтиш жоизки, **транс** – термин элементи орқали бир қатор телекоммуникация терминлари ҳосил бўлган ва у байналмилал ўзлашма қўшма сўзлар таркибида фаол учрайди: *транскодер*, *трансуранлар* каби.

**Альфа-канал** термини ҳам телекоммуникация терминлари сифатида фаол қўлланади. Бу сўз инглиз тилида альфа-сомпозитинг шаклида ишлатилади. Альфа-канал қисман шаффофлик

эффектини яратиш мақсадида тасвирни фон билан бирлаштириш жараёнини ифодалайди. [4, 14] Мазкур термин тилимизга рус тилидан ўзлашган.

Телекоммуникация терминларидан бири *блог* сўзидир. *Blog* инглизча *blog* сўзидан олинган бўлиб, мунтазам равишда чоп этиладиган ёзувлар, тасвирлар ёки мультимедиадан иборат веб-сайтни билдиради. [4, 51]

**Мультимедиа** сўзи ҳам ўзлашма терминлардан бири бўлиб, инглиз тилидаги мультимедиа – кўп ҳамда медиа – ташувчи маъноларини билдирувчи қўшма сўздан олинган. Мультимедиа ахборотни турли шаклдаги ташувчилар бўлмиш товуш, тасвир ва матнлар бирикмасини билдиради. [4, 163]

Телекоммуникация соҳасида энг кўп қўлланиладиган сўзлардан бири *браузер* сўзидир. Бу сўз ҳам соҳага инглиз тилидан ўзлашган бўлиб, инглизча *браузер* – шарҳловчи маъносига термин асосида ҳосил бўлган. *Браузер* веб-саҳифалар, веб-ҳужжатлар, компьютер файлларини кўриб чиқиш учун мўлжалланган амалий дастурий таъминотни билдиради.

Соҳа терминларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унинг таркибидаги ўзлашма

сўзлар асосан рус ва инглиз тилларидан ўзлашган. Телекоммуникация терминлари қаторида қўлланилувчи ахборот сўзи, маълумки, тилимизга аввалдан араб тилидан ўзлашган бўлиб, ҳозирги вақтда ушбу сўз иштирокида кўплаб бирикма терминлар ҳосил бўлган.

Д.Қодирбекованинг таъкидига кўра, инглиз тилида мураккаб, ясама ёки қисқартма ҳисобланган бир қанча телекоммуникация терминлари ўзбек тилига яхлит ҳолда ўзлашган. Олима бундай сўзлар қаторида *бекдор*, *биллинг*, *битрейт*, *блогосфера*, *ботнет*, *клоакинг*, *браузер*, *чипсет* кабиларни келтиради. [2, 21]

Умуман, телекоммуникация терминларини ҳозирги вақтда ўз таркиби, деривацияси, семантик жиҳатларига кўра катта ўзгаришларга учраётган терминологик тизим сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур терминологик тизимнинг маъновий, деривацион ва бошқа лингвистик хусусиятларини ўрганиш бугунги тилшунослигимизнинг зарурий муаммоларидан биридир.

#### Адабиётлар:

1. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977; Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЕ, 2002; Кўчимов Ш. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингвоюримик таҳлил). Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2004; Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2004; Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2017 ва бошқалар.
2. Қодирбекова Д. Инглизча-ўзбекча ахборот технологиялари терминологияси ва лексикографик муаммолари: Филол.фан.д-ри ... дисс. –Тошкент, 2017.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. 5-жилд. – Тошкент: ЎзМЕ, 2008.
4. Ахборот-коммуникация терминларининг изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент, 2010.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).